

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari

Son 11 Jild 4

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 11 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллӣ Университети.

Сайдов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ҳодим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳоновиҷ – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёрова – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмурадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасолович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баҳодирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўёраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуроевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибраҳимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баҳодировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психология хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – TARIX FANLARI

<i>Lutfillova Xamida</i>	<i>Murodillova</i>	Лутфиллаев Ҳамидаилло Муродиллаевич
“ЖАВОҲИР АТ-ТАФСИР ЛИ ТУҲФАТ АЛ-АМИР” АСАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА ТАРКИБИЙ		
ҚИСМЛАРИ ҲАҚИДА		12-17
<i>Ezhambergenov Xaitboy</i>	<i>Xamidulla</i>	Эзгамберганов Ҳайтбой Ҳамидулло ўғли
ТОШ ДАВРИ АҲОЛИ МИГРАЦИЯЛАРИ (ЎРТА ОСИЁНИНГ ЖАНУБИЙ, ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ		
ВА ҚУЙИ АМУДАРЁ ҲУДУДЛАРИ МИҚЁСИДА)		18-25
<i>Esonov Ziyodbek</i>	<i>Yuldashevich</i>	
QO'QON XONLARI SULOLASINING GENEOLOGIK TAHLILI		26-31
<i>Mamatqulov Bekzod</i>		
O'ZBEKISTONDA XX-ASRNING 20-40-YILLARIDA SANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHI		
VA KADRLAR TARKIBINI SHAKLLANTIRISH JARAYONLARI		32-38
<i>Asadova Ra'no</i>	<i>Baymanovna</i>	
O'ZBEK- HIND MUNOSABATLARINING YANGI BOSQICHGA KO'TARILISHI: HAMKORLIK		
ISTIQBOLLARI		39-42
<i>Saidova Raxima</i>		
O'ZBEKISTON VA ITALIYA MUNOSABATLARINING ME'YORIY-HUQUQIY MANBALARI		43-48
<i>Ortiqov Yosin Abdulboqiyevich</i>	<i>Ergasheva Ra'no</i>	
AFROSIYOB ARXEOLOGIK YODGORLIGINING O'RGANILISH TARIXI		49-55
<i>Iriskulov Bekzod Jaxongirovich</i>		
TURKİSTON GENERAL-GUBERNATORLIGI BYUDJETINING SARFLANISHIGA DOİR AYRIM		
MULOHAZALAR		56-60
<i>Mirsoatova Sayyora</i>	<i>Turg'unovna</i>	
QOYATOSH SURATLARIDA IBTIDOIY DAVR IQTISODIY HAYOTINING AKS ETISHI		61-66
<i>Luhmonov Shaxzod</i>	<i>Sayfiiddin</i>	Луҳмонов Шаҳзод Сайфиддин ўғли
ВЛИЯНИЕ ДЕНЕЖНОЙ ЭМИССИИ В 1918-1920 ГОДАХ НА СОЦИАЛЬНО-		
ЭКОНОМИЧЕСКУЮ ЖИЗНЬ НАРОДОВ ТАССР		67-71
<i>Axmedov Bekzod</i>		
SOVET HOKIMIYATI TOMONIDAN O'ZBEKISTONDA QORAKO'LCHILIKNI RIVOJLANTIRISH		
TADBIRLARI		72-75
<i>Mamatov Jasurbek</i>	<i>Qodirqul o'g'li</i>	
NAMANGAN VILOYATI ZIYORATGOHLARINING AHOLINING IJTIMOIY HAYOTIDAGI O'RNI		
(UYCHI TUMANI DEVONA BUVA ZIYORATGOHI MISOLIDA)		76-80
<i>Saidaxmatov Sharifbek</i>	<i>Toshpo'latovich</i>	
SURXONDARYO VILOYATI SANOATINI RIVOJLANTIRISH STRATEGIYASINING ASOSIY		
YO'NALISHLARI		81-88

Ибрагимов Раҳмон Зиёдуллаевич
 ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ПАЛЕОМЕТАЛЛ ДАВРИ ЖАМИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАБИЙ
 РЕСУРСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ 89-93

Akrorov Botir Bakhodirovich
 ДОГОВОРНО-ПРАВОВАЯ БАЗА СОТРУДНИЧЕСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ИРАНА
 В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ 94-99

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

Tursunov Bekmuxammad Omonovich
 IQTISODIYOTDAGI TARKIBIY O'ZGARISHLAR SHAROITIDA SANOAT KORXONALARI
 RAQOBATBARDOSHLIGINI TA'MINLASH MEXANIZMI TAKOMILLASHTIRISH 100-108

Muxitdinova Kamola Alisherovna
 «OLMALIQ KON-METALLURGIYA KOMBINATI» AJDA ISHLAB CHIQARILADIGAN
 MAHSULOTLARNING SANOAT KORXONALARIDA QO'LLANISHI 109-115

Madraximov Qaxramon Egamberganovich
 INNOVATSION FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH ORQALI IQTISODIY BARQARORLIKKA
 ERISSHISH YO'LLARI: XORAZM VILOYATI MISOLIDA 116-125

Кетманов Авазбек Маликович
 КИЧИК БИЗНЕС МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
 ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 126-134

Xolmirzayev Abdulkamid Xapizovich
 KAMBAG'ALLIKKA QARSHI KURASHISHNING OMILLARI 135-142

Bahriiddinov Jahongirbek Ravshanjon oglisi
 MARKET MECHANISMS, METHODS OF PRICE FORMATION IN THE SYSTEM OF MARKETING
 OF GOODS AND SERVICES 143-152

Ilhamova Zarnigor Po'latjon qizi
 MINTAQА TURIZMINI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI MARKETING TIZIMINI
 TASNIFI 153-160

Sharipov Komil
 MINTAQAVIY KAMBAG'ALLIKNI KAMAYTIRISHDAGI KICHIK BIZNESNING ROLI 161-170

Rajabov Navruzbek Azimjonovich
 MAISHIY XIZMAT KO'RSATISH SOHASINI RIVOJLANISHI VA KAMBAG'ALLIKNI
 QISQARTIRISHGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR TAHLILI 171-179

Mirzaeva Shirin Nodirovna
 SUPPORT AND DEVELOPMENT OF WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP IN
 UZBEKISTAN 180-187

Pardayev Rasulbek Islomovich
 TURIZM XIZMATLARI SIFATINI BAHOLASHNING USULLARI VA ULARNING
 TAHLILI 188-196

Bahodirov Shohruh Bahodir o'g'li
 SANOAT KORXONALARIDA INNOVATSION FAOLIYATNI BOSHQARISH
 XUSUSIYATLARI 197-202

<i>Rahimov Bahromjon Ibrahimovich</i>	
ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ	203-209
<i>Zakirova Gulnora Mirzalievna, Madaminov Abdulaziz Anvarjon o'g'li</i>	
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA EKSPORT VA IMPORT SALOHIYATI (NAMANGAN VILOYATI TAHLILIDA).....	210-216
<i>Hasanov Ilkhom Isakovich</i>	
IMPROVING THE FINANCING MECHANISM OF THE SCIENTIFIC SUPPLY SYSTEM IN THE AGRICULTURE OF UZBEKISTAN.....	217-221
<i>Ibragimova Nilufar Ziyadullayevna</i>	
CHAKANA SAVDO KORXONALARIDA XIZMATLAR KO'RSATISHNING XUSUSIYATLARI	222-227
<i>Maxmudov Jasurbek Ergashevich</i>	
INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA KICHIK BIZNES SUBYEKTALARINI MOLIYAVIY JIHATDAN QO'LLAB-QUVVATLASH TAHLILI	228-233
<i>Ravshanov Nodirjon Begalievich</i>	
TA'LIM XIZMATLARI BOZORIDA OLIY TA'LIM MUASSASALARI RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISHNING AHAMIYATI	234-243
09.00.00 – FALSAFA FANLARI	
<i>Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich</i>	
SHIHOBIDDIN SUHRAVARDIY FALSAFIY QARASHLARIGA IJTIMOIY-SIYOSIY VAZIYATLARNING TA'SIRI	244-248
<i>Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich</i>	
XORAZM JADIDLARI MA'NAVIY MEROSINING YANGI O'ZBEKİSTONDA YOSHLARINI VATANPARVARLIK VA BAG'RIKENGLIK RUHIDA TARBIYALASHDAGI AHAMIYATI	249-254
<i>Saburov Jaloliddin</i>	
XVIII-ASR OXIRI VA XIX-ASR BOSHLARIDA BUXORO AMIRLIGIDA ILM-FAN VA MADANIY HAYOT RIVOJI	255-260
<i>Jabborov Ikromjon Jumaniyozovich</i>	
NAJMIDDIN KUBRO TA'LIMOTIDA "KOMIL INSON" TARBIYASI VA UNING AXLOQIY VA MA'NAVIY YUKSALISHGA OID G'OVALARING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	261-265
<i>Saidkulov Nuriddin Akramkulovich</i>	
FORMATION OF PERSPECTIVES REGARDING SOCIETY'S STABILITY	266-271
<i>Adilov Zafar Yunusovich</i>	
MAHMUD AZ-ZAMAHSHARIY QARASHLARIDA SUV VA SHIFOBAXSH MEVALAR MASALASI	272-277
<i>Yuldashev Farrux Abdurakhmanovich</i>	
ON THE QUESTION OF THE UNIQUE ROLE OF THE PRINCIPLES OF HUMANITY AND PATRIOTISM IN THE DEVELOPMENT AND STRENGTHENING OF THE FUTURE OF THE YOUNG GENERATION	278-282
<i>Ganiyev Baxodirjon Sodiqjonovich</i>	
TADBIRKORLIK MADANIYATINING SENSUALISTIK VA AKSIOLOGIK XUSUSIYATLARINING IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLILI	283-287

11.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI*Baxronova Dilrabo*

PROTOTURKIYLARNING AMERIKA QIT'ASIGA KO'CHISHI: LEKSIK PARALLELIZM VA ETIMOLOGIK-SEMANTIK TADQIQ 288-295

Daliyeva Madina

DETERMINANTS OF COGNITIVE MODELING OF POLYSEMY OF LINGUISTIC TERMS IN ENGLISH, UZBEK, AND RUSSIAN LANGUAGES 296-300

Paluanova Khalifa

STRATEGIES FOR ENHANCING PRAGMATIC COMPETENCE IN SECOND LANGUAGE ACQUISITION (SLA) THROUGH EFFECTIVE APPROACHES 301-306

Равшанов Махмуд

СЕМАНТИКА ГЛАГОЛОВ В «ДИВАНИ ЛУГАТ-ИТ ТУРК» МАХМУДА КАШГАРСКОГО 307-311

Bekbergenova Gulaim Aijarikovna

SEMANTIC CLASSIFICATION OF ENGLISH AND KARAKALPAK ANTHROPOCENTRIC PROVERBS 312-318

Normamatov Farrux Komiljon o'g'li

MURAKKAB USLUBDAGI ASARLAR XUSUSIYATLARI VA UNDA FORMALIZM YONDASHUVI 319-322

Gulamova Dilobar Imamkulovna

ADABIYOT DARSLIKLARDA EVFEMIZMLARNING QO'LLANILISHI VA TAHLILI 323-326

Xolmuxamedov Baxtiyor

TERS LUG'ATLARNING ASOSIY XUSUSIYATI VA ULARNI TUZISH METODIKASI 327-334

Chorieva Iroda Kurbonboevna

KASALLIK NOMLARI VA BELGILARI KELTIRILGAN INGLIZ VA O'ZBEK MAQOLLARINING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI 335-339

Ganiyeva Orzigel Xayriddinovna

XX ASR AMERIKA REALISTIK QISSACHILIGIDA POETIK KONSTRUksiya: SHAKL VA MAZMUN MASALASI 340-345

Расулова Камола

ПОНЯТИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ. ВИДЫ АВТОРСКИХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ 346-353

Омонов Турғунбой

“СУФУРТА” ТЕРМИНИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЪРИФИ 354-358

Хакбердиева Сайёра Фармоновна

ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ ОБЪЕКТИВИЗАЦИЯ ФРЕЙМА «МАТЬ» И «ОТЕЦ» В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ 359-364

Xolmirzayev Baxtiyor Mirzamahmudovich

IJTIMOIY-SIYOSIY ASAR TARJIMASINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI 365-370

Gubaydullin Artur Faridovich

CHALLENGES OF TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S “GOOD OMENS” 371-376

Abdullaeva Sevara Makhsudalievna

EMOTIVE INTENSIFIERS OF ENGLISH AND RUSSIAN LANGUAGES 377-381

<i>Baymuradova Gulbaxar Chari Qizi</i>	
SURXONDARYO VILOYATI FITOTOPONIMLARINING STRUKTURGRAMMATIK TAHLILI	382-385

<i>Yuldasheva Nigora Baxodirovna</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK PAREMIYALARINI O'RGANISHNING AKSIOLOGIK JIHATLARI	386-390

<i>Quljanova To'lg'anoy Shodiyor qizi</i>	
ABDUVALI QUTBIDDIN SHE'RIYATIDA POETIK OBRAZLAR TAHЛИLI	391-396

12.00.00 – YURIDIК FANLAR

<i>Рузметов Хайрулла</i>	
ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ	397-402

<i>Ачилова Лилия Илхомовна</i>	
ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УНИФИКАЦИЯСИ ЧЕГАРАЛАРИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА	403-410

<i>Abdubannayev Umidjon</i>	
AXBOROTGA BO'LGАН INSON HUQUQLARINI TA'MINLASHNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI	411-421

<i>Халиқулов Комолиддин Носирович</i>	
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТ СУДЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ИЖРО ЭТИШДА ДАВЛАТ СУВЕRENИТЕТИ МАСАЛАЛАРИ	422-427

<i>Тўраев Жавоҳир Усмон ўғли</i>	
ХОДИМЛАР МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ВА ТЕКШИРУВИ ТУШУНЧАСИГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР	428-433

<i>Элмурзаев Билолиддин Нурмон ўғли</i>	
ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТЕРГОВЧИННИНГ ПРОЦЕССУАЛ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ	434-439

<i>Djumaniyazova Dilfuza Kamalovna, Shayakubov Shomansur Shakabilovich</i>	
IJTIMOIY HAVF GURUHIGA KIRUVCHI YOSHLAR O'RTASIDA HUQUQBUZARLIKLARGA QARSHI KURASHISH BO'YICHA XORIJY TAJRIBA	440-446

<i>Алиев Асилбек Кадирович</i>	
КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ (СОЦИАЛЬНЫЕ) ПРЕДПОСЫЛКИ И КОРНИ РАСПРОСТРАНЕНИЯ АЗАРТНЫХ ИГР СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ	447-451

<i>Нодирахон Абдурахманова</i>	
РЕГУЛИРОВАНИЕ ФИНТЕХА И КРИПТОВАЛЮТ: ОСНОВНЫЕ ВЫЗОВЫ И ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ	452-462

<i>Ғайбуллаев Соҳибжон Ғайбуллаевич</i>	
РЕПО БИТИМЛАР – ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМ СИФАТИДА УМУМИЙ ТАВСИФ	463-469

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

<i>Xusanova Mohira</i>	
OLIY O'QUV YURLARIDA TALABALARNI BAHOLASH SHAKLINI TAKOMILLASHTIRISH	470-479

<i>Берикбаев Алишер Аликулович</i>	
ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	480-483
<i>Yusupova Shoxista Alimjanovna</i>	
TALABALARING TASVIRIY SAN'AT MASHG'ULOTLARIDA IJODIY QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH TEKNOLOGIYASI	484-489
<i>Yakubova Nafisa Odilyanovna</i>	
CHIZMACHILIK DARSLARIDA TALABALARNI IJODIY-KREATIV FIKRLASHGA O'RGGATISH	490-494
<i>Musirmanov Shohboz Usmon o'g'li</i>	
TURIZM SOHASIDA KADRLAR TAYYORLASHDA AMALIYOT VA NAZARIYANING PEDAGOGIK UYG'UNLIGI	495-500
<i>Suvankulov Umid Ilxom o'g'li</i>	
MALAKA OSHIRISH JARAYONIDA PEDAGOGLARNING DISKURSIV KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH TEKNOLOGIYASI	501-505
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloyevich</i>	
O'QITUVCHILARNI UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANTIRISHGA KOGNITIVFUNKSIONAL YONDASHUV	506-518
<i>Jo'rayeva Feruza Baxtiyor qizi, Mavlonov Shaxzod Shahobiddin o'g'li</i>	
TA'LIMDA KOMMUNIKATIV INNOVATSION VOSITALAR VA ULARNING IMKONIYATLARI	519-524
<i>Siddiqova Shahnoza Ahmedovna</i>	
SCIENCE XALQARO BAHOLASH TADQIQOTLARINING O'ZBEKİSTONDA BIOLOGIYA O'QITUVCHILARINING TABIIY FANLAR SAVODXONLIGINI SHAKLLANTIRISHGA TA'SIRI	525-529
<i>Xoliqov Nasriddin Abdikarimovich</i>	
MILLIY IQTISODIYOT RIVOJLANISHINING SHARTI SIFATIDA TA'LIM, FAN VA BIZNESNING O'ZARO ALOQALARI MAZMUNI	530-534
<i>Javliyeva Shahnoza Bahodirovna</i>	
TA'LIM SIFATIGA YO'NALTIRILGAN O'QUV MATERIALLARINI YARATISH MODELI	535-539
<i>Jumaboev Nabi Pardaboevich</i>	
TA'LIM SIFATIGA YO'NALTIRILGAN O'QUV MATERIALLARINI YARATISH MODELI	540-545
<i>Kayumov Erkin Kazakbayevich</i>	
THE IMPORTANCE OF FINE ARTS IN SHAPING STUDENTS' PERCEPTION AND CREATIVITY	546-550
<i>Khojamqulov Rasulbek Kurban ugli</i>	
THE NEED TO DEVELOP COMPETENCY OF FUTURE ENGINEERS USING COMPUTER GRAPHICS	551-555
<i>Latipova Gavhar Shavkat kizi</i>	
TARIX YO'NALISHI TINGLOVCHILARI UCHUN KREATIV SALOHIYATNI RIVOJLANTIRISH DOLZARB PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA	556-564
<i>Ernazarov G'olibjon Ne'matovich</i>	
ATROF- MUXITNING YUKORI XARORATIDA MUSHAK FAOLIYATI	565-568

Received: 31 October 2024

Accepted: 5 November 2024

Published: 15 November 2024

Article / Original Paper

ENSURING THE PROCEDURAL INDEPENDENCE OF THE INVESTIGATOR IN CARRYING OUT INVESTIGATIVE ACTIONS

Elmurzayev Biloliddin Nurmon O'G'Li

PhD student of Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

E-mail:elmurzayevbiloliddin@gmail.com

Abstract. This article analyzes the issues of ensuring the procedural independence of the investigator, in particular the legal basis of ensuring the procedural independence of the investigators. Also, the theoretical and practical aspects of improving the powers of the investigator were studied. In addition, on the example of the experience of developed countries, the issue of procedural independence of investigators was thoroughly studied from a theoretical and practical point of view, and suggestions and recommendations were developed for improving the existing legislation and law enforcement practice.

Keywords: procedural independence of the investigator, the investigator, the prosecutor's office, the status of the investigator, investigative activities, investigative bodies.

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТЕРГОВЧИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Элмурзаев Билолиддин Нурмон Ўғли

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти

Аннотация. Мазкур мақолада терговчининг процессуал мустақиллигини таъминлаш масалалари, хусусан терговчиларнинг процессуал мустақиллигини таъминлашнинг хукукий асослари тахлил килинган. Шунингдек, терговчининг ваколатларини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жихатлари буйича мутахассис олимларнинг карашлари урганилган. Бундан ташкари, ривожланган давлатлар тажрибаси мисолида терговчиларнинг процессуал мустақиллиги масаласи назарий ва амалий жихатдан атрофича урганилиб, мавжуд конунчилик ва хукукни куллаш амалиётини такомиллаштириш буйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: терговчининг процессуал мустақиллиги, терговчи, прокуратура, терговчининг мақоми, тергов фаолияти, тергов органлари.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I11Y2024N65>

Тергов фаолиятига оид суд-хуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда, терговчининг мақомига тегишли нормаларни шакллантиришда қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, ҳар бир терговчига тўғри келадиган жиноят ишлари сонининг меъёрини ишлаб чиқиш ва унинг амалда ишлашини таъминлаш керак. Мазкур масала бугунги кунда тергов органларида жуда долзарб бўлиб, айнан иш ҳажмининг тартибга солиниши улар фаолиятидаги бошқа қийинчилик ва муаммоларнинг олдини олган бўлар эди. Бу эса тергов фаолияти

соҳасида ислоҳотлар ўтказилиши зарурлиги ва терговчининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш кераклигини кўрсатади.

Терговчиларнинг процессуал мустақиллигини таъминлаш учун алоҳида тергов органи яратиш бўйича таклифлар ҳам сўнгги йилларда берилмоқда. Унинг ижобий жиҳати сифатида эса амалдаги тартиб бўйича тергов ва суриштирув органлари турли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таркибида эканлиги, уларнинг бирлаштириш эса терговнинг сифати ва асосийси, тергов органларининг бошқа давлат органларидан мустақил тарзда фаолият юритишига хизмат қиласиди. МДХдан Россия Федерацияси 2007 йилдан бошлаб мазкур турдаги терговни мустақил амалга оширувчи ягона мустақил - Тергов қўмитасини ташкил этган. Прокуратура эса фақат тергов бориши устидан назоратни амалга оширади, лекин жиноятларни тергов қилиш ваколатидан маҳрум этилган. Бу тартибнинг ижобий ва салбий жиҳатлари бўйича етарлича ўрганиш ва хулосалар тақдим этилган. Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур тартибни қўллаб-қувватлаб миллий қонунчилигимизга жорий этишни олға сурган бир талай олим ва амалиётчи ходимлар мавжуд. Хусусан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан терговда қўлланиши иддао қилинаётган қийноқларга барҳам бериш учун ягона тергов қўмитасини тузиш таклифини билдирган[1]. Маълум қилинишича, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — омбудсманга 2019 йилда келиб тушган мурожаатлар орасида шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар тоифасига мансуб шикоятлар кўп учраган. Хусусан, омбудсман манзилига 4800дан ортиқ ушбу мазмундаги мурожаатлар келиб тушган. Унинг айтишича, яшаш, эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқи, ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқи, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан тезкор-қидириув фаолияти ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар билан боғлиқ мурожаатлар сони кўпайган. Мұҳаммадиевнинг билдиришича, **баъзи ҳолатларда қийноқ қўлланган ҳолда айбланувчи тергов қилинган**. Бундай ҳолатлар назоратга олинади, прокуратурага юборилади. Бу каби ҳолатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда амалга оширилган ислоҳотлар бугунги кун шиддатидан ортда қолаётганини англатади. Жумладан, Е.Д.Царева ва Д.Е.Царевалар ягона тергов органи ташкил этилиши орқали РФда жиноятларни фош этиш бўйича юқори натижаларга эришилганини қайд этган[2]. Худди шу фикрларни Ю.Бастрикин ҳам таъкидлаган[3]. У ислоҳотдан сўнг тергов сифати яхшиланганини статистик маълумотлар билан асослашга ҳаракат қилган. Шунга мувофиқ, дастлабки тергов органларининг тарқоқлиги натижасида инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари юз берайтганлиги сайловчиларнинг ҳақли эътиrozларига сабаб бўлишини эътироф этган.

Давлат тергов хизматини алоҳида давлат бошқаруви органи сифатида ажратиб чиқариш, фаолиятининг ҳамда фаолияти устидан прокурор назорати, суд контроли, жамаотчилик контролини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва механизмини ишга тушириш керак бўлади. Жиноят иши бўйича терговнинг турли идоралар томонидан олиб борилиши битта функциянинг сунъий равишда бўлинишига, жиноят-ҳуқуқий соҳада давлат сиёсатини амалга оширишда турли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, ишни тезкор ташкил этишда бир қатор қийинчиликлар пайдо бўлишига олиб келади. Соҳа вакилари эса тергов органларининг алоҳида тузилмага бирлашиб, тезкор-қидириув фаолиятни амалга

оширувчи органлардан ажратилиши тергов сифатига салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

ЖПКнинг 35 ва 344-моддаларига асосан, жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради. Илгари таъкидлаганидек, мазмунига кўра ягона бўлган дастлабки тергов фаолиятининг уч давлат органида амалга оширилиши, ўз-ўзидан, ҳатто юзаки назар ташланганда ҳам, шаклан бир хил, мазмунан бошқа-бошқа тарзда тергов ўтказилишини келтириб чиқаради. Бунда ИИВ, ДХХ ва прокуратура терговчиларининг иш фаолиятини бошқариш устидан идоравий контроль ҳам ўзгача тарзда кечади, прокуратура органларида эса прокурор ҳам контролни, ҳам назоратни амалга оширади. Лекин бу уч органга бўлинган терговнинг муаммоларини ҳал этилишига хизмат қилмайди. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида ягона тергов органи ташкил этилиши ва у тергов қўмитаси шаклида алоҳида давлат органи сифатида фаолият юритиши тўғрисида мамлакатимиз олимлари ва хориж мутахассислари томонидан йиллар давомида фикрлар билдирилиб, бу масала баҳс-мунозараларга сабаб бўлган.

Алоҳида тергов органини ташкил этишни қўллаб-қувватловчи ва унга танқидий муносабатда бўлувчи процессуалист олим ва амалиёт вакилларининг қарашларини бирлаштириб турувчи фикр – бу терговчилар мустақиллигини ва уларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилашни назарда тутувчи маҳсус қонун ишлаб чиқишидир. Бугунги кунда адвокатлар, судлар ёки прокурорларнинг фаолиятини белгилаб берувчи алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд, бироқ терговчилар бўйича қонунчилик базасини етарли, деб бўлмайди, соҳада эса ҳали тартибга солинмаган масалалар етарлича. Шунинг учун юқоридаги қонун лойиҳасида терговчининг ҳуқуқий мақомини, унинг ваколатлари, вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш зарур.

Амалиётда терговга қадар текширув ҳаракатлари натижасида асоссиз ёки шошма-шошарлик билан муаллифнинг важлари тўлиқ текширилмаган ҳолда жиноят иши қўзғатишини рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги аниқланган тақдирда, бевосита терговни назорат қилиш ваколатига эга бўлган прокурор ёки юқори турувчи вилоят прокурори томонидан ушбу қарор бекор қилиниб, қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилиши таъминланади. Натижада эса, амалиётда бу каби асоссиз равишда қабул қилинган қарорларнинг бекор қилиб, қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари қайта – қайта ўтказиб келиниб, фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабабчи бўлмоқда[4]. Ёки таъбир жоиз бўлса, Бир қарор беш ёки етти марталаб бекор қилиниб, қайта терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилмоқда. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда бюрократия ва қоғозбозликнинг сақланиб қолиши, аниқ тасдигини топиши мумкин бўлмаган ҳолатлар бўйича қарорларни бекор қилиб, фуқаролар ва давлат органларини ортиқча овора қилиш, қонун нормаларнинг турлича талқин қилиниши каби салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин[5].

Ушбу зиддиятли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ва терговчиларнинг процессуал мустақиллигини таъминлаш мақсадида амалдаги жиноят-процессуал кодексига қуйидаги мазмунда нормаларни киритиш таклиф қилинади: Хусусан, ЖПКнинг 330-моддасининг иккинчи қисми билан қуйидаги мазмунда тўлдириш таклиф этилади.

“Жиноятга оид ариза (хабар)ни қўриб чиқиши натижаси билан жиноят иши қўзғатиши, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорларнинг барвақт, асоссиз ва мурожсаатда қўрсатилган важларининг тўлиқ текширилмаганлиги каби сабаблар билан туман (шаҳар) прокурори ёки унинг ўринбосари, Тошкент шаҳар прокурори, вилоят прокурорилари ва унга тенглаштирилган прокурорлари ёки уларнинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фақатгина бир маротабагача бекор қилиб текшириш ҳаракатлари ўтказилиши бўйича қарор қабул қилиши мумкин.

Муқаддам бекор қилиш қарорида қўрсатилган ёки барвақт, асоссиз ва мурожсаатда қўрсатилган важларининг тўлиқ текширилмаганлиги каби сабаблар билан иккинчи маротаба жиноят ишини қўзғатиши, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор бекор қилинишига йўл қўйилмай, юқори турувчи орган ваколатига мувофиқ қўшимча ёки қайта текширув ўтказилиши бўйича тегишили қарор қабул қилиниши мумкин”.

Шу билан бирга, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларда хизмат қилаётган ходимларнинг қарийб 90 фоизи[6] олий юридик маълумотга эга эмаслигини инобатга олиб, жиноят иши қўзғатиш ваколатини фақат суриштирувчи, терговчи ва прокурорда қолдириш зарур.

Терговчнинг ҳуқуқий мақомини таъминлашнинг яна бир муҳим кафолати уни жиноий жавобгарликка тортиш, хизмат ёки яшаш жойига кириш, шахсий ва хизмат автомобилини кўздан кечириш, тинтуб ёки олиб қўйиш, унинг телефон сўзлашувларини эшитиш, шахсий тинтуб ўтказиш билан боғлиқ алоҳида тартибининг белгиланиши билан белгиланади. Амалдаги қонунчилигимизда эса мазкур кафолатларнинг саноқли турларигина терговчиларга нисбатан амал қиласди, холос.

Жиноятларни очиш ва тергов қилишда терговчи (суриштирувчи) ҳамда тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг анъанавий шакллари жиноят-процессуал қонунчилигимизда мустаҳкам ўрин эгаллаган. Хусусан, терговчи (тергов гуруҳи раҳбари, суриштирувчи, суриштирувчилар гуруҳи ҳамда прокурор) ўз юритувига қабул қилган ишлар бўйича тезкор-қидириув тадбирларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар ва қўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга. Амалиётда тезкор ва тергов бўлинмалар ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий шакли сифатида идоралараро тезкор-тергов гуруҳлари фаолият қўрсатади, лекин уларнинг ҳуқуқий асоси жиноят-процессуал қонунчилигига ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилмаган эди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта ПҚ-2833-сонли “Ҳуқубузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги Қарорида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратуралари хузурида прокуратура, ички ишлар ва ДХХ тажрибалари ходимлари орасидан доимий равишда фаолият қўрсатадиган идоралараро тезкор-тергов гуруҳлари тузиш тўғрисидаги қоидалар белгиланиши бу борадаги муҳим қадамлардан бири дейиш мумкин.

Шу билан биргаликда, ушбу давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигига тартибга солинган айрим масалалар Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига мавжуд эмас. Хусусан, Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида[7] жиноят иши мураккаб ва катта кўламга эга бўлган тақдирда судга қадар

терговни бир гурух терговчилар ва суриштирув органи ходимларига топширилиши, Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодексида айнан тезкор-тергов гурухлари тузиш ҳақида қоидалар мавжуд бўлмаса-да, тергов гурухи ишига ёки суриштирувчилар гуруҳига тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари жалб қилинишлари мумкинлиги белгиланган. Терговчининг тергов ҳаркатларида иштирок этишга суриштирув органи ходимини жалб қилиш хуқуқига эга эканлиги ҳақидаги нормани Беларусь Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигига[8] ҳам кўриш мумкин.

Терговчиларга нисбатан профессионал талаблар қонун доирасида аниқ белгиланиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки уларнинг процессуал мустақиллиги шахсий фазилатлар билан ҳам таъминланиши керак. Жиноят ишини юритиш, исботлаш жараёнида терговчи энг асосий иштирокчилардан бири сифатида қатнашади. Буни ЖПКда назарда тутилган ҳар бир жиноят иши доирасида дастлабки тергов ёки суриштирув ўтказилиши шартлиги тўғрисидаги нормадан ҳам кўришимиз мумкин. Шунинг учун терговчи ҳам таълим даражаси, касбий ва ахлоқий сифатлари бўйича прокурор, судья ва адвокатлар билан бир қаторда бўлишга ҳақли. Ушбу лавозимни эгаллаш учун етарлича қийин талабларнинг белгиланиши ўз-ўзидан терговнинг сифати, ушбу касбнинг мавқеига ижобий таъсирини кўрсатади, албатта.

Маълумки, ЖҚда белгиланган жиноятларнинг аксарият қисми бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан ИИВ Тергов бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Тергов департаментига ўзгартирилди. Ички ишлар органлари суриштирувчилари ва терговчилари ўртасида ўтказилган сўровномада иштирок этган жами 510 нафар респондентларнинг 72 фоизи, иш ҳажмининг жуда юқорилиги ишни судга қадар юритишда шахсларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлашга салбий таъсир этаётганини маълум қилганлар[9].

Фикримизча, ички ишлар органлари тизимида хизмат олиб бораётган тергов органларининг иш ҳажми ҳаддан ташқари қўплиги, бу эса, ўз навбатида, шахсларнинг хуқуқ ва эркинликлари таъминланишига салбий таъсир этаётгани боис, уларнинг штат бирлигини юритилаётган жиноят ишларининг сони ва мураккаблик даражасидан келиб чиқсан ҳолда ҳар 4-5 йилда қайта кўриб чиқиш, шунингдек жиноят ишининг терговга тегишлилиги институтини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Омбудсман парламентга ягона тергов қўмитасини тузишни таклиф этди. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/02/26/ombudsman/>
2. Царева, Е. Д. Создание следственного комитета- плюсы и минусы реформы / Е. Д. Царева, О. М. Ушаков // Синергия Наук. - 2019. - № 32. - С. 837-841. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=37037088&>

3. <https://ria.ru/politics/>. Бастрыкин: выделение СК РФ из прокуратуры повысило качество следствия. Москва. 26 февраля 2016 год.
4. Ражабов Б. Перспективы улучшения предварительного расследования // Review of law sciences. 2020. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/perspektivy-uluchsheniya-predvaritelnogo-rassledovaniya>.
5. Матмуротов А., Кенжабоев Д. Институт доследственной проверки в уголовно-процессуальном законодательстве: анализ и вопросы усовершенствования // Review of law sciences. 2018. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/institut-dosledstvennoy-proverki-v-ugolovno-protsessualnom-zakonodatelstve-analiz-i-voprosy-usovershenstvovaniya>.
6. Ботаев М.Д. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш. Ю.Ф.Ф.Д. дисс. Автореферати. –Т.2020. -186. <http://library.ziyonet.uz/uz/book>
7. УПК Республики Казахстан // URL: https://online.zakon.kz/m/document?doc_id=31575852
8. УПК Республики Беларусь // URL: <https://belzakon.net>
9. Жиноят процессида инсон хуқуқлари: Ўқув-қўлланма / Б.А.Сайдов, Б.Б.Муродов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. -215 б.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

N^o 11 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**" электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масьулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).